

Мухридин СОДИРЖНОВ,
Наманган давлат университети мустақил изланувниси

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ЙУЛИДА ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда инновацион ри- вожлантириш механизmlарининг муваффакиятли шаклланиши, биринчи навбатда, жамиятдаги мавжуд ижтимоий- иқдисодий шароитлар натижасидир. Ривож- ланган давлатлар қдторидан муносаб урин эгаллашимизда давлатнинг устувор стра- тегик сиёсати ва уни амалга ошириш ме- ханизмларининг урни катта.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида инсон капиталини ижтимоий ишлаб чиқариш омили сифати- да шакллантириш жараёни лиги боскичга кадам кўйди. Инсон капитали замонавий ицтисодиётнинг муҳим таркибий кисмига айланди. Давлат инвестиция сиёсатининг устувор йуналишлари ва давлатнинг иқди- содий соҳадаги урни узгарди. Бу йулда таъ- лим тизими инсон капитали шаклланиши- нинг асосий манбайи сифатида ривожлан- мокда. Бундай шароитда иктиносий муно- сабатларнинг барча таркибий цисмини таш- кил этувчи ва ушбу муносабатларнинг узи шаклланадиган инсон капитали вужудга келишининг институционлашувига талаб ошиб бормокда.

Инновацион тараккиёт йули мамлакат инсон капиталининг ривожига йул очиши билан бирга, инсонлардан фикрлаш тар- зини, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий карашларини узгартеришини талаб киласи, пировардида, бутун жамиятнинг модернизациям ва янги сифат хрлати — трансформация булишига олиб келади.

Инсон капитали усишига йуналтирил- ган барча инвестиция самарали булиб, ке- лажакка йуналтирилган, узини окдайди- ган инвестиция ҳксобланади. Бу эса инсон капиталини бошқдриш тамойилларини талаб этади. Мамлакатда инсон капитали юкори даражада булса, жамиятнинг ри- вожланиши жадал суръатда боради.

Юртимизда инсон капиталининг ри- вожланиши куйидаги омилларга ботлик:

- Ҳар бир инсоннинг индивидуал им- кониятларини ривожлантириш;
- инвестицияни тутридан-тутри инсон капиталини ривожлантиришга йуналтириш;
- узини узи ривожлантириш йулидаги шахсларни ижтимоий ратбатлантириш механизмини ишлаб чикиш.

Давлатнинг ижтимоий - иктиносий ри- вожланиши уз-узидан инсон капиталининг шаклланиш даражасига ботлик булиб, бу мамлакатдаги фукроларнинг интеллектуал сало^ияти ва имкониятларини кен- гайтириш жараёнидир.

Мальумки, жамият кандай булса, ижтимоий муносабатлар мажмуи булган инсон капитали ҳам унга мос булади. Инсон капиталининг ривожи ҳам шахснинг онги, одоб-ахлоқи, маънавияти, дунё- караши, ижтимоий-иктисодий, сиёсий муносабатларга, ижтимоий тузум моҳияти ва табиатига бевосита ботлик. Инсон акл-идрок соҳдби булғанлиги боис реал дунёдаги воеаларни тушунади, илму тафаккури, меҳнати, салоҳияти билан дунёни бошкаради. Инсон капиталининг юксалишига уни ураб турган ижтимоий- мухитда руй берадиган барча воеалар- нинг таъсири кучлидир¹.

Инновацион инсон капиталини яратиш учун мамлакатнинг хар бир оиласи ва унда тугилган фарзандларни энг кичик ёшдан бошлаб билим олишга йуналтириш, илмга хавас, меҳнатга мухаббат уйготиш, улар- ни таълим муассасаларида энг янги таъ- лим технологиялари, дунё стандартлари даражасидаги дарслик ва кулланмалар билан уқитиш ва ургатиш лозим булади.

Узбекистоннинг ривожланган мамлакат макрмини олиши бевосита иктисодиёт тараккиётида асосий омил булган инсон капиталининг усиб бораётган роли билан белгиланади. Мамлакатимизда кабул килинган узлуксиз таълим тизими шахсни баркамол авлод булиб етишишини таъминлаши билан бир каторда, жамият тараккиётини кафо- латловчи инновацион инсон капиталининг шаклланиши ва унинг янгиланиб бориши- га асос булади. Инсон капиталини шахс ва оила даражасида ривожланиш жараёнлари- ни урганиш мобайнида ижтимоий таҳдил- лар алоҳида ахамият касб этади.

Хусусан, ушбу тадқикотда 2019 йилнинг ноябрь ойида утказилган социологик сурўв натижалари келтирилган. Социологик сурўв Наманган вилоятининг турли соҳадарида банд булган 225 та респондент орасида утказилди. Ёш ва жинс таркиби кўйидагicha: 16 - 20 ёш - 2,2%, 21 - 25 ёш - 27,3%, 26 - 30 ёш - 30,7%, 31 - 40 ёш - 23,5%, 41 - 50 ёш - 8,2%, 51 - 59 ёш - 5,3%, 60 ва ундан шокори ёш - 2,8% булиб, улардан эркаклар - 51,8%, аёллар - 49,2%. Таълим даражаси: урта - 16,8%, урта маҳсус - 35,2%, олий маълумотли - 46,3%, илмий даражаси бор- лар - 1,7%. Респондентларнинг фаолият юритаётган соҳасига кура тацсимланиши кўйидагicha: тадбиркорлик - 12,2%, таълим, илм-фан - 28,6%, ишлаб чицариш - 8,6%, транспорт - 6,1%, сотлини сацлаш - 9,2%, савдо соҳасида - 10,1%, цурилиш - 2,3 %, банк-молия - 8,2%, маший хизмат - 4,8% ва бошча соҳадарда - 9,9%. Оилавий хола- тига кура, уйланган (турмушга чиккаи) - 68,8%, оила курмаган - 31,2%.

Социологик сурўвнинг максади респондентларнинг инсон капиталининг таркибий унсурлари булган ва унинг си- фатини белгилаб берувчи саломатлик ва таълимга инвестиция

килиш мойиллиги- ни аникдашdir.

Маълумки, инсон капиталининг шаклланишида, биринчи навбатда, демог- рафик омиллар мухим урин эгаллади. Оилаларда фарзандлар сони келажакда оила инсон капиталининг қдита хосил булиш даражасини белгилаб беради. Олин- ган натижаларга кура, респондентлар орасида иккита фарзандли оилаларнинг сал- маги катталиги маълум булди. Респондентларнинг таълим даражаси, ёши ва иктисодий ахволи билан оиласидаги фарзандлар сони орасидаги боғланиш кузга ташланмади. Факдтгина миллий мансублик омилининг таъсири маълум булди. Яъни, маҳаллий булмаган халқдар орасида оиласидаги фарзандлар сони буйича таксимлани- ши - бир фарзандлилар - 42,5%, икки - 50%, уч ва ундан ортик фарзандлилар - 7,5%ни ташкил этди. Маҳаллий халқ орасида бу курсаткич мос равишида - 24,1%, 39,1%, 27,6% ва 9,2%ни ташкил этди.

Сунгги тадқикот натижаларининг курсатишича, инсон саломатлигининг атиги 8-10%и согликни сақдаш тизими- га, 20%и экологик шарт-шароитларга, 20%и генетик омилларга боғлиқ, колган 50%и эса инсоннинг хаёт тарзини ташкил этиши (яъни, кундалик рационал режими, овқатланиш тартиби, зарарли одатлар, турли жисмоний машгулотлар билан шугулланиш, ортиқча вазн ва стрессларнинг олдини олиш, анъанавий ва ноанъанавий чиникириш усуслари ва бошкалар) билан боғлиқ экан. Шу мак- садда спорт билан шугулланиш инсон капиталининг асосий таркибий кисми булган саломатлик капиталига йуналти- рилган инвестициянинг мухим шакли си- фатида кабул килинганлиги сабабли респонденларга "Саломатлигингизни мустахкамлаш максадида спорт билан шугулланаисми?" деган савол билан мурожаат килинди, натижада, таълим даражаси- нинг ошиши спорт билан шугулланиш ва унинг инсон хаётидаги урнига муно- сабатнинг ижобий томонга узгартириши аникланди.

**"Саломатлигингизни мустаҳдамлаш максадида спорт билан шугулланасизми?"
саволига берилган жавобларнинг таксимданиши, %**

Жавоблар	Умумий	Урта	Урта маҳсус	Олий маълумот
Уйда доимий равишда шугулланиб тураман	29,2	32,5	30,1	34,4
Спорт машгулотларига кўтинашаман	9,8	7,5	5,2	10,1
Алоқида шугулланмайман, уй ишларининг узи етарли	36,3	24,2	39,3	37,5
Спорт билан шугулланишга эътиёж сезмайман	12,5	26,1	14,2	7,6
Бошка жавоблар	12,2	6,7	11,2	10,4

Манба: "Инсон капиталини ривожлантириши тизимидағи этносоциал жараёнлар ва тенденцияларини урганиш"га доир социологик сурвнома натижаси асосида муаллиф томонидан тузилган. Наманган 2019.

Олий маълумотли респондентларнинг 44,5%и у ёки бу шаклда спорт билан шу- гулланса, урта маҳсус маълумотлилар ора- сида бу курсаткич 35,3 %, урта маълумотлилар орасида 40%ни ташкил этади. Спорт билан шугулланишга олий маълумотли респондентларнинг 7,6%и эҳтиёж сезмаса, урта ва урта маҳсус маълумотлилар орасида бу курсаткич мос равишида 26,1% ва 14,2%ни ташкил этди. Бу курсаткичлар жамиятимиз- да спорт билан шугулланиш етарли даражада тарқдлмаганлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз ижтимоий сиёсатида инсон саломатлигини мустаҳдамлашга йунал-тирилган инвестициялар келгусида давлат- нинг ижтимоий-икдисодий курсаткичлари- га говори даражада таъсир этиши жаҳрн хамжамияти томонидан тан олинган.

Согликни сақдаш инсон капиталининг таркибий кисми сифатида назарий жихат- дан \ам, амалий нукдаи назардан хам кат- та кизикиш уйготади. Агар анъянавий равишида инсон капитали фуқронинг таълим ва малакасига боғлик булса, якинда у соглик- ни сақдаш омилларини камраб оладиган кенгрок тушунчага эга булади. Инсон капиталининг ошиб бориши ахолининг со- глигига инвестиция киритиш оркали та- комиллашиши ҳққидаги гоя 60-йилларда америкалик иктисадчи Т.Шульц² ва С.Мушкинлар³ томонидан илгари сурил- ган ва М.Гроссманнинг дастлабки ишла- ридан сунг аникрок ахамиятга эга булди. Дарҳдикат, М.Гроссман⁴, биринчи навбат- да, ушбу масалани аник куриб чиқди. Ушбу муаллифнинг фикрига кура, ишчининг саломатлик даражаси канча юкори булса, бу маҳсулот ишлаб чиқаришда мухим роль уйнайди. С.Воронина

талкинидаги "инсон капитали" тушунчасига кура, ахолининг соглик даражаси, айникиса, мухим масала булиб, у хар кандай мамлакатда ижтимоий- иктисадий ривожланиш асосини ташкил этади. Айнан ахолининг саломатлиги даражаси инсон капиталини шакллантиради⁵, дея таъ- кидлайди. И.В. Илинский инсон капитали таълим капитали, соглик капитали ва мада- ният капиталидан иборат, деб хисоблайди⁶. "Инсон капитали" тушунчаси бугунги кунга келиб, факатгина иктисиёт ёки ишлаб чиқаришда эмас, балки мамлакатдаги хар бир фуқаронинг индивидуал хусусиятлари саломатлик, таълим, кобилияти ва истеъ- доди, ортирган малака хамда тажрибала- ри, ижтимоий, психологик дунёкараш ва одамларнинг ижтимоий-маданий хусусият- ларида, шунингдек, унинг таркибий тузи- лишида нафакат моддий, балки маънавий таркибни хам англатиши мухим ахамият касб этмоқда.

Соглом инсонларда касаллик туфайли иш жойида булмаслик холатлари кам уч- райди, натижада, иш унумдорлиги ошиб, ишлаб чиқариш рейтинги кутарилади. Шу нуктаи назардан, саломатлик даражаси таълим билан бевосита боғлик инсон капиталининг мухим кисми деб баҳоланади. Жисмоний капитал сингари, саломатлик капитали хам вакт утган сари уз кимма- тини йукотади, аммо инсонлар уз саломатлигини яхшилаш учун инвестиция кирита оладилар.

Инсон капитали шахснинг жамият хдёти- да иштирок этиши билан ботлик. Шунинг- дек, касаллик билан курашишдан кура, унинг олдини олиш осонлиги каммамизга маълум. Бирок кар доим кам бунга амал кил- маймиз. Респондентларга кай хрлларда ши- фокор куригига боришлиари тутрисидаги са- вол билан мурожаат килганимизда (2-расм), уларнинг 60,7%ни касал булиб колганлари- да, 18,8%ни уйдаги муолажалар самара бер- магандан сунг, деган жавобларини бериш- ган. Респондентларнинг атиги 15,1%ни касал- ликнинг олдини олиш максадида профилактика чораларида шифокор куригига борар экан. Респондентларнинг 2,3%ни эса, шифо- корлардан кура, табибларга ишонишларини билдиришган ва 3,1%ни бошка жавобни бел- гилашган. Кдтнашган респондентларнинг таълим даражаси ушбу натижага кам уз таъ- сирини курсатди. Олий маълумотлилар ора- сида шифокор куригига борадиганлар кис- саси купчиликни - 16,7%ни ташкил этиб, урта ва урта маҳсус маълумотли респондент- лар олий маълумотлиларга караганда икки баробар купрок табибларга мурожаат килиш- лари маълум булди.

Инсон капиталининг акамиятини бир нечта усувларга асосан баколаш мум- кин. Анъянага кура, иктисадилар буни купрок таълим олган одамларнинг да- ромади билан кисблашади. Тадқикотлар \ар бир кушимча таълим йили инсон даромадини уртacha 10 фоизга оширишини курсатди. Таълимга киритиладиган сармоялар кам жамиятда ижтимоий тенг- сизликни камайтириши мумкин. Акса- рият мамлакатларда нисбатан узига тук оилаларда

тутилган фарзандлар болалик- данок кенг имкониятлардан фойдала- нишни бошлайди ва бу бутун умри да- вомида катор афзалликларга олиб кела- ди, аксинча, ночор оилалар фарзандла- ри бундай имкониятлардан фойдалана олмайди.

Узбекистан Республикаси Президента Шавкат Мирзиёев: "...ахборот - коммуникация сокасидаги охирги ютукларни узлаштириш билан бирга, ёшларнинг ки- тоб укишга булган кизикишини ошириш- га, уларни китоб билан дуст булишга, аколининг китобхонлик савиясини янада оширишга алокида эътибор каратиш лозим булади. Бунинг учун, аввало, миллий ада- биётимиз ва жакон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармокдарга жой- лаштириш ва уларни кенг тартиб килишга алокида эътибор беришимиз муким аками- ят касб этади",⁷ деб таъкидлайди.

Таълимга йуналтирилган инвестициялар нафакат мамлакатни ривожлантиришнинг муким усули кисбланади, балки инсон капитали ва ижтимоий-иктисодий ривож- ланиш истиқболларини яхшилашга кара- тилган ижтимоий сиёсатdir. Бунинг нати- жасида инсон капитали такомиллаштири- либ, моддий фаровонлик ва сотлом тур- муш тарзига эришилади. Шуни таъкидлаш керакки, инсон капитали кар бир инсон- нинг индивидуал капитал шаклидир. Инсон кобилияти, билими, кунукма ва таж- рибалари кар бир ёш шахснинг шахсий мулки кисбланади.

Респондентларнинг инсон капитали асосини ташкил этувчи таълим соҳдсига инвестиция килиш даражасининг таҳдили буйича куйидаги хulosалар ва натижалар- га келинди. Бугунги



1-диаграмма. Шифокор куригига бориши сабабларининг тасдикланиши, %.

кунда шахс ва оила микёсида таълимга эътибор каратилмокда. Аксарият респондентлар (70,9%) олий таъ- лимнинг ахдиятини таъкидлаб утиши. Шуни кайд этиш жоизки, олий таълим олишнинг мухим шартларидан бири оила моддий имкониятларининг етарлигидир.

Мамлакатимизда мактабдан ташкари таълимнинг кенг таркалган шакли репиторликнинг ривожланганлик даражаси- ни аникдаш максадида утказилган ижти- моий суроў давомида респондентлардан фарзандлари кушимча дарсларга катнаши- ши тутрисида суралди. Тадқикотимиз шуни курсатдики, мактаб ёшидаги фарзанди бор респондентлар 64%ининг фарзандлари кушимча дарсларга катнашади. Ота-онала- рининг таълим даражасига кура, бу курсат- кич урта маълумотлилар орасида 41,2%, урта маҳсус маълумотлилар орасида 80% ва олий маълумотли ота-оналар уртасида 62%ни ташкил этди. Урта маҳсус таълим даражасига эга булган ота-оналарнинг аксарият кисми фарзандларига сифатли таълим беришни, хаётда фарзандлари улар- дан юкори натижаларга эришишини истай- дилар. Лекин олий маълумотли ота-оналар орасида бу курсаткичнинг нисбатан паст- лиги уларнинг фарзандига нисбатан эъти- борининг пастлигидан эмас. Фикримизча, бундай оила фарзандлари нисбатан коби- лиятли булиши ёки фанлар доирасида ёрдамни ота-оналаридан олишлари мум- кинлиги хисобига бу курсаткич нисбатан пастрок.

Таълим тизими замонавий жамиятда узини самарали окладигаи социал капитал сифатида эътироф этилади ва унга сарфланган ёар капча молиявий харажат узок муддатни эгалласа-да, келтирилган на- тижалар тула-тукис узини оцлаши маълум були.

Умуман, дунёнинг ривожланган мам- лакатларида сунгги ун йиллиқда таълим тизими атом ва электроника, билим ва технологиялар даврида баркарор ри- вожланишнинг бош омили ва калити эканлиги хукуматлар, сиёсий элита ва ахоли тарафидан чукур англаб етилгани кузатилади⁸.

Купгина ривожланган давлатлар, хусу- сан, Япония, Малайзия, Сингапур, Жа- нубий Корея давлатлари ривожланишида таълим тизими хал килувчи ахамият касб этган. Бугунги кундаги

ривожланиш биз- нинг хам олдимизга ушбу давлатлар син- гари меҳнат бозорида талаб катта булган соҳалар буйича кадрлар тайёрлаш масала- сини куймокда. Ҳозирги даврда жаҳон бозорида шундай касб ва хунарлар мавжуд- ки, уларнинг аксарияти университет ва коллежларда эмас, балки оддий укув мар- казларида уч ёки бир йилда эмас, жуда киска вакт ичидан тайёрланмоқда. Бунга куплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, Сингапурда хам таълимга икти- содий тараккиётнинг биринчи галдаги ва- зифаси сифатида каралган. Таълим соҳаси- ни ривожлантириш билан ботлиқ масала- лар америкача таълим модели билан узаро алокага киришиш йули оркали хал этилди. Гарчи мазкур тизим пуллук булса хам (Узбекистонда мактаб таълими бепул) сингапурликлар нафакат 10 йиллик мактаб таълими, балки малака оширишга каратилган ишлаб чиқаришга тайёрловчи турли курс- ларга хам алоҳида ахамият бера бошлади- лар. Сингапурнинг политехника мактабла- ри ва коллежларида техника соҳасига оид билимлардан ташкари, графика ва дизайн асослари хамда архитектурага оид фанлар хам уқитиб борилган. Таълим ишлаб чиқа- ришдан ажралмаган холда олиб борилган, асосий эътибор амалиётга каратилган.

Таълим японлар учун хали-хануз энг олий кадрият сифатида эъзозланади. Бир замонлар Японияда болаларни уқдмишли килиш учун кундалик эҳтиёжларга сарф- ланадиган харажатларни тежаб, пул жам- тариш анъанаси мавжуд булган. Японлар болаларига пул ва моддий бойликларни эмас, билимни мерос килиб колдиришга харакат килганлар, аникроти, болаларга колдирилиши керак булган пулни уларнинг замонавий таълим олишлари учун сарфлаб, шу асосда болаларига мустакил пул топа олиш имконини колдирганлар. Бу эса уларнинг юксак ижтимоий мавкени


таъминлайдиган давлат лавозимларида фаолият курсатишими кафолатлаган. Бу- гунги кунда Японияда жорий килинган таълим тизими бутун жаҳринга урнак булар- ли даражада тараккий этган, худди юрти- миздаги каби уз ичига бошлангич ва урта таълимни камраб олувчи мажбурий таълим йулга куйилган булиб, унда япониялик болаларнинг деярли 100%и камраб олин- ган. Уларнинг 96%и эса 2 боскичли мактаб таълимида таҳрил олишади. Иккинчи бос- кични тугатган болаларнинг 60%и таълимни коллеж, институт ва касб-хунар билим юртларида давом эттиришади.

Замонавий япон педагогикасида таълим тизими билан уйгуналашган ахлокий тарбия тамоили хам шаклланган. Урта асрлардаёк мактабларда амалий этикага эътибор қаратила бошлаган эди. Ушбу мактабларда амалий бошкарув кишиси қандай булиши кераклиги хакида тахсил берилар эди. Конфуцийлик ақидалари ва буддизм анъаналари таъсирида таълим тизимига нафакат билим олиш ва хунармандчилик куникмаларини ошириш во- ситаси, шунингдек, ахлокий ва маънавий баркамолликни шакллантириш ва шу асосида катъий интизомлилик фазилати- ни юзага чиқариш воситаси сифатида карала бошлади.

Респондентларга: "Уз билимингиз ва маъкангизни оширишда кайси усуслни афзал қурасиз?", деган савол берилди. "Малака ошириш курсларида", деган жавоб таълим соҳксига 27,3%ни ва согликни сакдаш ходимларида 35%ни ташкил этди. Тадбиркорлик соҳасига банд булганлар орасига бу курсат- кич 5,8% ни ташкил этди. Шунингдек, урта

маълумотли респондентларнинг $\frac{1}{4}$ кис- мидан ортиги уз малакасини оширишга эхтиёж сезмаслиги, албатта, бу касбий мансубликдан келиб чикадиган холат деб баҳоланса-да, салбий тенденция деб баҳо- лаш мумкин. Бу саволнинг таҳдили нати- жасида хам олий маълумотли инсонларнинг узларига ва бошкаларга нисбатан талабчан- лиги уз ифодасини топди. Албатта, кушим- ча адабиётларни мутолаа килиш инсон ка- питалини ривожлантирувчи омиллардан саналади.

Таҳдиллар шуни курсатадики, респондентларнинг 11,9%и, умуман, кушимча адабиётларни укимайди ва 46,4%и доимий ра- виша укийидиганлар таркибида урта маълумотларнинг яккол устунлигини куришимиз мумкин. Шахс даромадларининг даражаси, яъни унинг инсон капиталига инвестиция килиш имконияти ва даражасини белгилаб берувчи муҳим шарттир. Шу максадда респондентларнинг даромадлари урганилиб, даромадларни маълум бир чегараларга ажрат- ган холда респондентларнинг у ёки бу гу- рухга тегишлилиги аниқданди. Натижа шуни курсатдики, таълим даражасининг ортиши билан даромадларнинг ортиши тенденция- си кузатилди. З-диаграммада акс эттирил- ганидек, даромадларнинг ортиб бориши билан олий маълумотли респондентларнинг улуши ортиб бормокда. Яъни, олий таълим- дан кайтим уз кучини курсатмоқда.




2-диаграмма. Таълим даражасига кура даромадларнинг таксимланиши, %да.

Шунингдек, 80%га якин говори мала- кали илмий даражага эга мутахассислар олий маълумотлилар даражасида уртacha даромадга эга. Яъни, олий таълимдан кейинги таълим- нинг кайтим нормаси олий таълимга нис- батан пастлигидан далолат беради.

Маданий хордик хам инсонларнинг тур- муш тарзида муҳим саналади. Йукотилган руҳий,

жисмоний ва маънавий капитални, салоҳиятни тиклашда дам олиш муҳим омиллардан бириди. Респондентларга "Жисмоний ва физиологик хрлатингизни ва маданий эҳдиёжингизни кондириш учун кайси масканларда утказасиз?", деган са- вол билан мурожаат килдик. З-диаграмма- да натижаларни куришимиз мумкин.



З-диаграмма. "Сиз маданий дам олишни кайси масканларда утказасиз?" деган саволга жавобларнинг таксимааниши, %да.

Утказилган тадқикот натижасида куйи- даги хулосаларга келинди:

- респондентлар орасидаги репродуктив майл урта хажмдаги оиласларни ташкил этиш даражасида шаклланган. Уларнинг 26,2%и битта, 40,2%и иккита, 25,4%и уч ва 0,2%и турт ва ундан куп фарзанди бор- лигини билдиришган. Бу хукумат томони- дан олиб борилаётган она ва бола саломат- лигини мустаҳдамлаш борасидаги чора-тад- бирларга кумак сифатида кабул килини- ши мумкин;

- респондентлар орасида уз саломатли- гига эътибор камлиги маълум булди. Уларнинг 2/5 кисми у ёки бу даражада спорт билан шугуллансан, 15%игина касаллик- нинг олдини олиш максадида шифокор куригига бориши аникланган. Респон- дентнинг таълим даражаси ошиши билан уз саломатлигига эътибори хам ошии бориши аникланди;

- респондентларимизнинг фарзандлари таълимига инвестиция килишга мойиллиги жуда юкори даражада эканлиги аникланди;

- таълим даражаси ошиши билан даромадларнинг ошиши тенденцияси аникланди.

Утказилган тадқикот натижалари олий маълумотли респондентлар инсон капиталига инвестиция килишга купрок имко- ният ва майлга эгалиги маълум булди. Олий таълимнинг инсон капиталига кайтма таъ- сири юкори булиши аникланди. Идтисо- дий кайтимдан ташкари, турмуш фаровон- лиги ва мамлакат ижтимоий, сиёсий хаёти таъсири бекиёсdir.

Мамлакатнинг иктисадий потенциали- ни ривожлантиришнинг ягона тугри йуна- лишларидан бири - инсон капиталини рӯёбга чиқаришга асосланган инноваци- он ривожланиш стратегиясини амалга ошириш.

Тадқикот давомида инсон капиталининг ривожланиш манбалари ва омилларини унинг ички ва ташки даражаси юзасидан кенгрок урганиш натижалари шуни курсат- мокдаки, инсон капиталига оила даражасида инвестицияларга эътиборни кучай- тиририш максадга мувоғик. Чунки инсон капиталининг барча таркибий кисмлари оила уз фарзандига киритадиган инвести- циялар оркали шакллантирилади ва купай- тирилади. Инсоннинг интеллектуал ва психофизиологик

кобилиятларини оилада ри- вожлантириш унинг келгусида камол то- пиши ва инсон капитали мунтазам тако- миллашиб боришининг пойдеворидир. Бу орада эса, юртимизда "Оила жамият ва дав- лат химоясида" конституциявий принци- пи асосида тадрижий истлохртлар амалга оширилмокда.

Инсон капиталини якка шахс микёси- да олиб караганда асосий инвестори - маз- кур капитал эгасининг узи. Инсон капиталига инвестиция киритиш ишонч дара- жасини \ам оширади. Укимишли инсон- лар бошқаларга купрок ишонади, ишонч даражаси баланд булган жамият, одатда, нисбатан юкори иктисодий усишга эриша- ди. Мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш соҳдсини оптималлашти- риш натижасида янги ижтимоий мухит, янги маънавий ва ахлокий кадриятларга асосланган инсон капитали шаклланди.

Инсон капиталини такомиллаштириш, одамларнинг узини узи баҳолаш курсат- кичларининг тез усаётганлиги, одамларнинг хаёт даражаси, ахолининг иктисодий- сиёсий тараккиётга ишончи юксалиб, дав- лат ва фукаролараро хамкорлик даражаси- нинг баркарор усаётганлиги ва айникса, инсон капиталини ривожлантириш борасида дунё мамлакатлари орасидан муно- сиб уринга кутарилмокдамиз.

Манба ва адабиётлар

1. Бекмуродов М. Инсон капитали - тараҷиёт омили. - Т.: Маънавият, 2015. 4-бет.

2. Schultz T.W. The Economic Value of Education. New York: Columbia University Press. 1963.

3. Mushkin S.J. Health as an Investment // J. of Political Economy. 1962. Vol. 70. N 5. Pt.

2. Investment in Human Beings.

4. Grossman M. On the concept of health capital and the demand for health / M. Grossman // Journal of Political Economy. - 1972. - Vol. 80, Feb.

5. Воронина С.Ю. Экономические основы функционирования автономных учреждений в сфере услуг здравоохранения: дисс. ... к.э.н. - Санкт-Петербург: СПГЭУ. 2014. - 141 с.

6. Ильинский И.В. Инвестиции в будущее: образование в инвестиционном воспроизводстве. - СПб.: СПбУЭФ, 1996. - С.127.

7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараҷиёт йулимизни цатъият билан давом эттириб, янги

босцичга кутарализ. 1-жилд. - Т.: Узбе- кистон, 2017. - Б. 86-87.

8. Усмонов Б.Ш., Ғодиров М.ғ, Элтаза- ров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланиши- да таълим ва илм-фаннынг роли (илмий-ом- мабоп рисола). - Самаркан: СамДУ, 2015. - Б. 36.

9. Coleman J. Social capital in the creation of human capital // American Journal of Sociology. 1988. Vol. 94. P. 95-121.

10. Сикевич З.В. Социальная психология этнических отношений. - СПб.: Изд-во С.-Петербург. ун-та, 2008.

11. Социологический словарь / Сост. Н. Аберкомби, С. Хилл, С.А. Ерофеева. - Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1997.

Инновацион тараккиёт йулида инсон капитали ривожланиши жараёнларини оптималлаштириш имкониятлари

Муҳриддин Содиржонов,
Наманган давлат университети
мустасил изланувчи

Аннотация: уибу мацолада инсон капиталининг ривожланиши жараёнлари социологик жиҳоҳидан таддиқ этилган булиб, респондентларнинг берган жавоблари таулил этилди. Инсон капиталини ривожлантириши жараёнда таълим ва саломатликка, давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятининг устувор йунашиларига ало- хида эътибор царатилган. Инсон капиталининг таркибий цисмларини ривожланти- ришига царатилган хулоса ва таклифлар баён этилган.

Калит сузлар: инсон капитали, этномаданият, этносоциология, инновация, инвестиция, ижтимоийлашув, оптималла- шув, таълим-тарбия, маданият, саломат- лик, салоҳият, демография.

Возможности оптимизации процессов развития человеческого капитала на пути инновационного развития

Муҳриддин Содиржонов,
соискатель Наманганского
государственного университета

Аннотация: в данной статье приводится социологический анализ процессов развития

человеческого капитала и анализируются ответы респондентов. В процессах развития человеческого капитала особое внимание уделяется образованию и здравоохранению, приоритетам социально-политической деятельности государства и общества. Представлены выводы и рекомендации по развитию компонентов человеческого капитала.

Ключевые слова: человеческий капитал, этнокультура, этносоциология, инновация, инвестиции, социализация, оптимизация, образование, воспитание, культура, здоровье, потенциал, демография.

Opportunities to optimize human capital development processes on the road to innovative development

Mukhriddin Sodirjonov,
Independent Researcher of
Namangan State University

Abstract: this article provides a sociological analysis of human capital development processes and analyzes the responses of respondents. In the process of human capital development, special attention is paid to education and health, the priorities of socio-political activities of the state and society. Conclusions and recommendations for the development of the components of human capital were presented.

Keywords: human capital, ethniculture, ethnosociology, innovation, investment, socialization, optimization, education, culture, health, potential, demography.